



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ (май 2017 йил)

Доцентлар

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Умумий радиацион гигиенаси” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Бола-лар касалликлари № 1 кафедраси”

Даволаш факультетига қарашли “Ички касалликлар пропедевтикаси ва гематология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Урология” кафедраси

Катта ўқитувчилар

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Клиник фармакология” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш фуқаро мудофааси курси” кафедраси

**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати эълон қилинган кундан бошлаб бир ойда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.
Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

Даволаш факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия № 1” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси

Ассистентлар

Малака ошириш факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик №1” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Фтизиатрия” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Патология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Акушер гинекология № 2” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Бола-лар касалликлари № 1” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Нерв касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Кўз касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Урология” кафедраси

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА СПОРТ БАЙРАМИ

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги “Шифокор” спорт мажмуасида “Биз соғлом юрт фарзандларимиз” шиори остида ташкил этилган спорт тадбири бўлиб ўтди.

Мазкур спорт тадбири “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг ижроси ҳамда Тошкент Тиббиёт академиясида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш мақсадида ўтказилди. Унда академиянинг барча факультетлари ва академик лицейнинг спорт жамоалари иштирок этишди.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент Тиббиёт академиясининг ректори Лазиз Тўйчиев ва бошқалар барчани ана шун-

дай спорт байрами билан қутлаб, уларга мусобақаларда ҳамда ўқиш ва иш фаолиятларида муваффақиятлар тилашди.

Спорт тадбирининг аввалида Тошкент Тиббиёт академиясининг даволаш, тиббий педагогика, тиббий профилактика, олий маълумотли ҳамшира, малака ошириш ва ҳарбий тиббиёт факультетлари ҳамда академик лицей, шунингдек, академиянинг “Қамолот” ЁИХ бошланғич ташкилоти фаолларидан таркиб топган жамоаларнинг тантанали чиқишлари бўлиб ўтди. Шундан сўнг спорт беллашувларига старт берилди.

(Давоми 3-бетда.)

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелда қабул қилинган Қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган бўлиб, ҳозирги кунда жуда катта аҳамиятга эгадир.


Қабул қилинган қарорга кўра, қуйидагилар олий таълим тизимини келгусида комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари этиб белгиланган. Жумладан, 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш Дастурини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади: 1. Кадрлар тайёрлашнинг мақсадли кўрсаткичлари, худудий дастурларни инобатга олиб, таълим йўналишлари таркибини оптималлаштириш истиқболлари. 2. Бакалаврият ва магистратуранинг ўқув жараёни, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш. 3. Замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий адабиётлар (жумладан, хорижий адабиёт асосида) билан таъминлаш. 4. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, стажировкасини, шунингдек чет эл муассасаларида ўтказиш жараёнларини такомиллаштириш. 5. Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш. 6. Олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини такомиллаштириш ва тарбиявий таъдбирлар натижадорлигини ошириш. 7. Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. 8. Замонавий ўқув-илмий лаборатория базаларини тубдан яхшилаш ва модернизациялаш.

Қарорга мувофиқ, 2017-2021 йилларда 48 та олий таълим муассасасида жами 180 та ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек, 53 та олий таълим муассасасининг 400 та ўқув лабораторияси босқичма-босқич энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланиши, 7 та олий таълим муассасасида барча олий таълим муассасалари ўзаро ҳамкорликда фойдаланидиган илмий лабораториялар ташкил этиш алоҳида қайд этилган.

(Давоми 2-бетда.)



Ҳар бир инсон учун ҳалоллик – кўпчилик бахт-саодати учун яшаш, умум иши учун шахсий манфаатдан ҳам кечиш деган сўз.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шуни таъкидлаш лозимки, бу-гунги кунда олий таълим тизимини янада ривожлантириш натижасида иқтисодий, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, юртимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологиялари-ни жорий этиш, замон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Қарорда белгиланган вазифа-ларнинг Тошкент Тиббиёт акаде-мияси раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари томонидан чуқур ўрганилиб унинг моҳият мазмунини барча ходимларга, бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари, катта илмий ходим ва мустақил из-ланувчиларига етказишга алоҳида эътиборини қаратмоқда. Академия раҳбарияти қўйилган масалаларни ўз вақтида амалга ошириш учун режалар тузиб кўплаб тадбирлар ўтказмоқда.

Қарорда белгиланган вазифа-ларнинг бажарилиши юртимиз нуфузини дунё ҳамжамиятидаги обрўйининг янада ошишини таъ-минлайди. Ушбу қарор академия-миз жамоаси ва бутун Ўзбекистон халқи учун катта куч берадиган, унинг келажаги, истиқболи йўлида улкан ишларга қодир мутахассис-лар тайёрлайдиган, ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши-да ўзига хос хизмати билан тарихий воқеа бўлиб қолади.

С. НОРҚУЛОВ,
Ижтимоий фанлар кафедраси
мудири, доцент

12 май – Халқаро ҳамширалар куни

ФИДОЙИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Ҳаммамизга маълумки ҳамширалар бошланғич тиббий таълим мутахассислари бўлиб, шифокор ёки фельдшердан беморларни парвариш қилиш бўйича олинган кўрсатмаларни бажарувчи шифокорларнинг беминнат ёрдамчиси ҳисобланади.

Ҳамшираларни энг инсонпарвар касб эгалари деб эътироф этиш мумкин. Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан таш-кил этилган тадбирни ТТА проректори О.Тешаев очиб, тиббиёт соҳасида шифокорларнинг ўрни ва масъулияти билан бирга ма-лакали ҳамшираларнинг ўрни ҳам беқийёслигини таъкидлаб ўтди. Ҳаммамизга маълумки ҳар йили 12 май Халқаро ҳамширалар куни сифатида бутун дунёда нишонланиб келинади. Беморни даволашда шифокор бор билим ва қобилиятини кўрсатса, ма-лакали ҳамшира эса беморга руҳий мадад бериб, соғайишига хисса қўшади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, яратилган шарт-шароитлар нафақат малакали шифо-кор, балки ҳамшираларга ҳам кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Тадбирда ОМХ факультети декани Ш.Бакиева ҳам талаба-ларни мазкур касб байрами билан қутлаб, ўқиш ва келгусидаги масъулиятли ишларида муваффақият тилади. Ҳамшира нафақат беморлар билан ишлаши, балки ўзининг илмий фаолиятини ҳам олиб бориши кераклиги, бу борада мамлакатимизда жуда катта имкониятлар яратилганини таъкидлаб ўтди.

Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбир давомида ТТА ўқув ишлари бўйича проректор О.Тешаев уч йил мобайнида факультетда ўз ўрнини эгаллаган фаол, зукко талабаларни фахрий ёрликлар билан тақдирлади.

Тадбир сўнггида ташриф буюрган барча меҳмонлар, профессор-ўқитувчилар учун факультетимизнинг фаол қизлари ижросида рақс, шеърый чиқишлар намойиш этилди. Барчага маъ-

лум бўлган таниқли “Эйфория” жамоасининг чиқиши кўтаринки кайфият бағишлади.

Ш.БАКИЕВА,
ОМХ факультети декани
Н.КУЧКАРОВА,
тадбир ташкилотчиси

ҲАМШИРАЛАРГА ТИЛАГИМ

*Ўзи пок, дили пок ҳамшира қизлар,
Сўзлари иболи, ҳаёли қизлар.
Беморга жонини айлаган фидо,
Меҳр-муруввати уммондек қизлар.*

*Сизлар кўзим қароғи, атир гулларим.
Ифори беғубор райҳон гулларим.
Юракда шижоат, қалбида меҳр,
Жаннатда топилмас хушрўй гулларим.*

*Сизлар бор, беморлар хушевақт бахтиёр,
Ҳаётга умиди, ишончи бисёр.
Меҳрингиз беморлар жонини озуғи,
Илоё ҳеч қачон кўрмангиз завол.*

И.ЮНУСОВ,
доцент

31 май – Бутун жаҳон чекишга қарши кураш куни

ТУТУНГА ЯШИРИНГАН ХАТАР

XXI асрда инсоният бир қатор муаммоларга дуч келди. Биргина глобал исиш турли табиий офатларни келтириб чиқараётгани боис минглаб одамлар ҳаёти хавф остида қолмоқда. Мана шундай вазиятда инсон нафақат ўзини ўзи, балки табиатни ҳам асраб-авайлаши ниҳоятда зарурдир. Аммо таассуфлар бўлсинки, бундай эзгулик ўрнига иллатларга ружу қўйиш авж олаётир. Шундай иллатлардан бири чекишдир. Чекишга муккасидан кетиш оқибатида одамзод ўз умрини хазон қилаяпти, шу билан бирга наслини ҳам хавф-хатарга қўймоқда.

Бир қарашда оддий ҳолдай кўринган чекиш миллионлаб одамларнинг бошига етаётганини оддий назар билан илғаш қийин. Статистика маълумотларида кел-тирилишича, Ер юзиде ҳар йили уч мил-лиондан ортиқ киши чекишга ружу қўйиши оқибатида ҳаётдан эрта кўз юмаркан. Бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 8 миллионга етиши тахмин қилинаётир. Шу боис айна пайтга келиб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташки-лоти кашандаликка қарши кенг курашмоқда. Бунга дунёнинг йирик ташкилотлари ҳам аралашаётганига эътибор қаратсак, муам-монинг нақадар долзарблиги ойдинлашади. Масалан, 1999 йил 24 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси бир овоздан тамаки чекадиганларни на-зоратга олиш Конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича резолюция қабул қилди.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аҳоли са-ломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури асосида ушбу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Қонунга асосан, йигирма ёшга тўлмаган фуқароларга шундай маҳсулотларни сотиш тақиқланган. Бундан кўзланган мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли иллатлар таъсиридан асраш, саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи тушунчаларини чуқур сингдиришдир.

Тамаки нафақат чекадиганлар, балки чекмайдиганларга ҳам зарар етказиши. Яъни ундан ажралиб чиқадиган тутун саратон, юрак, ўпка касалликлари келиб чиқишига замин яратади. Ташвишли жиҳати, тутун болаларда ўткир респиратор касалликлари-ни келтириб чиқаради ва бунинг оқибатида мурғак чақалоқларда сурункали касаллик-

лар ёки тўсатдан ўлим оқибатлари ку-затилиши мумкин. ЖССТнинг маълумо-тига кўра, дунёдаги 700 миллион бола тамаки тутунидан заҳарланган ва бу-гун улар бу иллатдан азият чекмоқда.

К а ш а н д а л и к оқибатида қайд этила-диган ўлим миқдори бошқа гиёҳвандлик моддаларига нисба-тан ўн уч баравар кўплиги ҳам унинг ин-сон организми учун нақадар хавфли экан-лигидан далолат беради. Негаки, сигарет тутун таркибида соғлиқ учун зарарли жуда кўп моддалар мавжуд. Булар орасида сиан-ли бирикма кучли заҳар ҳисоблангани учун, асосан, ҳашаротларга қарши курашда кенг қўлланилади. Унинг асосини ташкил этувчи ни-котиннинг 100-120 миллиграмми томир орқали танага юборилса, одам шу ондаёқ ҳалок бўлиши муқаррардир. Шунча миқдордаги никотин эса, бор-йўғи икки қути сигарета тар-кибида мавжуд.

2016 йил Президентимиз томонидан “Соғлом она ва бола йили” деб номланди. Бу-нинг замирида ҳам келажак авлодни маънан баркамол, жисмонан соғлом этиб тарбиялаш-дек улуғвор мақсад мужассам. Зеро ҳар бир киши фарзандининг соғ-саломат, иллатлардан холи бўлиб вояга етишини истайди. Соғлом фарзанд эса соғлом ота-онандан туғилади. Шундай экан, ота-онанинг соғлом турмуш тар-зига бирдек риоя қилишига кўп нарсга боғлиқ.



Аммо минг таассуфлар бўлсинки, аёллар орасида ҳам очикчасига тамаки маҳсулотларига ружу қўйиш кузатилмоқда. Тамаки тутун таркибида ўсма (саратон) касаллигини юзага келтирувчи 50 дан ортиқ канцероген моддалар бор. Никотин жуда осонлик билан плацентдан ўтади ва шу-нинг оқибатида ҳомиладаги никотин фоизи



онанинг қонидеги никотиндан анча юқори бўлади. Сигарета, папирос, трубка ёки сига-рета чекаётган вақтда жуда кўп, никотиндан ҳам зарарлироқ бирикмалар - угар газ, бензопирен ҳамда радиоактив моддалар нафас йўлларига ўтади. Уларнинг бир қисми она ва ҳомила организмида пайдо бўлади. Натижада онанинг қон айланиш тизимида сиқилиш ҳосил бўлади, ҳомила кислород танқислигига учраб, унинг ривожланиши секинлашади. Бунинг таъсирида чекувчи оналардан туғилган болалар кўпинча кам вазнли бўлиб, ҳаётга мослашиши қийинроқ кечади. Уларнинг марказий асаб тизимида нуқсонлар бўлади, тез-тез касалликка ча-линувчанлиги билан ҳам ажралиб туради. Олимларнинг таъкидлашича, онанинг чеки-ши ҳомила ривожланишини икки мартаба қисқартиради.

Халқимизда “Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал”, деган нақл бор. Шундай экан, ҳар биримиз соғлом турмуш тарзига риоя этсак, ўзимизнинг юриш-туришимизни назорат қилсак, айна мударо бўлур эди.

Кутбиддин НИЗОМОВ,
олий тоифали шифокор аллерголог
Нигора НУРИДДИНОВА,
доцент



9 май хотира ва қадрлаш куни

ҲАҚНИНГ ҲИЛҚАТИГА ЯҚИН ЗОТ ЭДИЛАР

*“Қуёш ботса, тагин бўлғуси шайдо,
Тўкилса ерга дон - бўлгай ҳувайдо”*

Шайх Жалолоддин Румий.

Устози комил Эркин Йўлдошевич Қосимов (Аллоҳ у зотни раҳматига ноил қилган бўлсин) ҳақида ёзиш биз учун ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги – устоз билан маълум бир муддат бир макон, бир замонда умргузаронлик қилишни, битта илм даргоҳида ишлашни, ҳар куни юз кўришиш бахтини Аллоҳ насиб этгани ҳамда биз устознинг биографики “Файласуф ҳақим” китобини битганимиз бўлса, қийинлиги – ҳанузгача уни йўқотганлигимиз, дийдор қиёматга қолганлигига кўника олмаётганлигимиздир. Ҳар гал устоз ҳақида ўйлаганимизда миллатимиз фахри, биздайларга пийри муршид қаторида бўлган Абдулла Ориповнинг ўз устозлари Миртемир домлага атаб ёзган куйидаги сатрлари бот-бот ёдимизга тушаверади:

Шеърингиз учкур-у, ўзингиз карвон,

Манзилга шошилмай келар эдингиз.

Оҳ, устоз, ҳолбуки билар эдингиз,

Югурук даврондир, асли бу даврон.

Сизнинг армонингиз яшар қароғда,

Балки у бўйлағай асрларни ҳам.

Водариг, мана шу сатрларни ҳам


Битсам бўлмасмиди, Сиз тирик чоғда.

Ҳа домламиз ана шундай хокисор, ана шундай ялангтўш, ана шундай меҳнаткаш, ана шундай илм деҳқони, танти инсон ва ана шундай покиза зот эдилар.

Устоз ҳақиқий маънода комил инсон эдилар. У киши ўзларида одамийлик, поклик, меҳрилик, муруватлилик, бағрикенглик, саҳийлик, ростгўйлик, оиланавислик, ватанпарварлик, камтарлик, андишаллик, фидойилик, фаросатлилик, ҳушёрлик, мардлик, жонқуярлик, қатъийлик, пухталиқ, вазминлик, улуғворлик, мулоҳазалиқ, нозиктаъблиқ, ҳамдардлиқ, оддийлик, умидбахшлиқ, меҳнаткашлиқ, масъулиятлилик, эътиқодлилик, ташаббускорлик, ахлоқлилик, билимдонлик, мустақил фикрлилик каби кўпдан-кўп фазилатларни жо қилган эдилар. Албатта, устознинг фазилатлари, фоний дунёда ўзларидан қолдириб кетган илмий-тиббий мерослари хусусида гапирадиган бўлсак битта китобга сизмаслиги табиий. Шу боисдан ҳам унинг фазилатлари орасида барча шогирдларига, шу жумладан, бизга қилган саховатлари, бағрикенгликлари ва инсонийликлари хусусида хотираларимдан бир шингил келтириб ўтмоқчимиз.

Мен (А.З) номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганимдан кейин маҳаллийчилик ва такаббурликни бор бўйича кийиб олган аллақандай ғаразли қалб эгаларининг сазъ-ҳаракатлари билан Олий аттестация комиссиясида тасдиқдан ўтказиш бир оз орқага чўзилиб, текшириш устига текшириш олиб борилди. Бундан хабар толган Эркин Йўлдошевич қаттиқ сиқилдилар, менга руҳий ва маънавий имдод бериш билан бирга ҳақиқат қарор толунига қадар тиниб-тинчимадилар. Дипломимни қўлимга олганимда эса устоз ўзларини мендан ҳам бахтли ҳис қилган эдилар.

Ўзингга раво кўрганни ўзгаларга раво кўрмагунингча ҳақиқий мўъмин бўла олмайсан, – дейдилар. Домламиз бу жиҳатдан ҳам ҳақиқий мўъмин эдилар. Устоз ўта саҳий ва серҳиммат инсон эдилар. Бир куни хоналарида “Қуръони карим” нинг ўзи, таржимаси ва тафсири билан чиққан улкан ва ноёб бир китобни кўриб қолдим. Бундай нусха жуда камёб ва қимматбаҳо эди. Унга ҳавас билан тикилиб турганимни кўрган устоз секин жавондан олиб менга узатаркан, Алижон, бу менадан сенга тухфа, буни бот-бот мутолаа қилиб тургин. Расулуллоҳ ким Қуръони каримга кўп тикилса, кўзлари ўткир бўлади, – деб марҳамат қилганлар. Бир оз хаёл уммонига чўмганларидан кейин эса, шикаста



овозда: “Вақти келиб менинг руҳимга ҳам тиловат баҳшида қилиб тургин”, – дедилар. Ўшанда мен яна қандайдир 200 кунлардан кейин устознинг дорулбақога рихлат қилиб кетишини ўйлаб ҳам кўрмаган, табиийки унинг бу сўзларини бир васиятдек эмас, балки шоиртабиатлигига йўйган ҳолда қабул қилгандим.

Чорак асрча муқаддам устоз мени етаклаб собиқ ректор Ҳомид Ёқубович Каримовнинг қабулларига олиб кирдилар (Қ.Н) ва “Тиббиётнома” рўзномасини чоп этишда энг мос номзод деб таърифладилар. Ректор рози бўлди. Ташқарига чиқганимизда устоз “Қутбиддин, рўзноманинг ҳамма сонига, ҳар бир варағига доноларнинг ҳикматларидан битгин. Ҳикмат ўқиган шифокор икки баробар қудратли бўлади”, – дегандилар. Шундан буён рўзноманинг ҳар сонига, ҳар саҳифасига ҳикматли иборалар ёзишни одат қилдим.

Сўзда сеҳр, шеърда эса ҳикмат бор дейдилар. Устоз шифокорнинг сўз санъатини, мулоқот маданиятини, муомала маънавиятини фан даражасига олиб чиққан инсон эдилар. Ўзбекистон Республикасида тиббий деонтология ва касб этикасига оид биринчи муқамал дарслик ҳам устоз қаламига мансубдир. Албатта, устозга қадар тиббиётнинг айрим жабҳалари бўйича бу борада узуқ-юлуқ адабиётлар мавжуд эди. Аммо, устоз ҳаётлари мобайнида ўзлари амал қилган хушхўлиқлик, самимият, покизалиқ каби хислатларни барча бўлғуси шифокорларда кўришни астойдил орзу қилган эдилар, шу боисда ҳам бундай шарафли ва мураккаб ишга қўл ургандилар. Устоз умр бўйи сўз ва иш бирлигига амал қилиб келдилар. Шу билан бирга ҳаётларининг адоғига қадар шифокорлик ва ижодкорликни ажиб бир тарзда уйғунлаштириб яшадилар. Бугунги кунда домламиздан қолган мингга яқин мақола ва тезислар, ўнлаб дарслиқлар, монографиялар, илмий-оммабоп рисола-лар, ихтиро, рационализаторлик таклифлари унинг тириклигидан мўжда бериб турибди.

Инсон дунёдан ўтганидан кейин унинг амал дафтари ёпилади. Аммо, ўзидан солиҳ ва қобил фарзандлар, бировлар наф оладиган илм ва китоблар қолдирган ҳамда инсонларга манфаати тегадиган, масжид, мадраса, иншоотлар қурганларнинг амаллари қиёматгача очик ҳолда тўлиб туради дегандилар Расулуллоҳ, Марҳум устозимизнинг амал дафтари ҳам иншооллоҳ очикдир. То рўзи маҳшаргача бу дафтарга савоблар ва солиҳ амаллар ёзилғуси!

Хотиротнома эпиграфида валиюллоҳ шайх Жалолоддин Румийнинг мисраларини беҳиз келтирмадик. Устоз баайни бир қуёш эди, у ботди, аммо эртага қайтадан уфқда пайдо бўлади. Устоз бир бошоқ бугдой каби эди, у тўкилди, аммо дон тушган заминдан минглаб бошоқлар эртага кўкаради. Уларнинг барчаси устознинг фарзандлари, шогирдлари ва қолдирган бой илмий-тиббий меросларида тажаллий беради.

Алижон ЗОҲИДИЙ,
тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси
Қутбиддин НИЗОМОВ,
Республика Соғлиқни сақлаш аълочиси, Антик Дунё Халқаро
академияси академиги



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА СПОРТ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

– Бу каби спорт мусобақаларини академиямизда мунтазам равишда уюштириб туриш яхши аънамага айланган, десам мулолаға бўлмайди. Чунки, бўлғуси шифокор ўзи соғлом бўлсагина беморларни яхши даволай олади. Қолаверса, мана шундай тадбирлар орқали биз талабаларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни мақсад қилиб олганмиз, – дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг даволаш факультети декани, тиббиёт фанлари доктори, профессор Барно Холматова.

Бир ой давомида Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги “Шифокор” спорт мажмуасида ўтказилган спорт мусобақалари икки босқичда бўлиб ўтди. Аввал, талабалар ўзаро беллашишган бўлса, сўнгра академиянинг профессор-ўқитувчилари ҳамда клиникалар ходимлари ва фарзандлари спортнинг мини-футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, бадминтон каби турларида беллашишди. Спорт тадбирининг финал қисмида эса қатнашчилар 100 ва 400 метрга ҳамда оилавий эстафетали югуриш, шейпинг, тош кўтариш бўйича мусобақаларда қатнашдилар.

– Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашда спорт ҳамда жисмоний тарбиянинг ўрни жуда муҳим саналади. Бугунги тадбирда

талабаларимизнинг нафақат илм олишда, балки спортда ҳам ҳеч кимдан қолишмасликларини барчага исботлай олишяпти. Шунингдек, спортни хотин-қизлар ўртасида оммалаштириш, уларни ўзлари қизиққан спорт турларига кенг жалб этишда ҳам бундай мусобақаларнинг ўрни бекиёсдир, – дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг тиббий профилактика факультети доценти, Тиббиёт фанлари номзоди Нурхон Муҳаммедова.

Шунингдек, мусобақаларнинг маданий қисмида талабалар ўзларининг миллий рақс, аския ва куй-қўшиқлари билан иштирок этиб, йиғилганлари хушнуд этдилар.

Кескин ва мурасасиз тарзда кечган мусобақалар натижаларига кўра, 100 метрга югуриш бўйича 1-ўринга тиббий педагогика факультети талабаси М.Нуртоев, 2-ўринга ҳарбий тиббиёт факультети курсанти С.Тўхтаев, 3-ўринга олий маълумотли ҳамшира факультети талабаси С.Зокиржонов, 500 метрга югуришда эса 1-ўрин тиббий профилактика факультети талабаси Ш.Ҳабибуллаева, 2-ўрин тиббий педагогика факультети талабаси Э.Раҳматовга, 3-ўрин ҳарбий тиббиёт факультети курсанти Б.Язатовга насиб этди.

Талабалар орасида ўтказилган эстафетада 1-ўринни тиббий педагогика факультети, 2-ўринни даволаш факультети ва 3-ўринни тиббий




профилактика факультети жамоаси эгаллади. Шунингдек, оилавий эстафетада 1-ўрин тиббий профилактика факультетидан Дўстовлар оиласига, 2-ўринга тиббий педагогика факультетидан Ризаевлар оиласи ва 3-ўринни даволаш факультетидан Ғаниевлар оиласи қўлга киритди.

Тош кўтариш мусобақасида эса даволаш факультети талабаси Э.Эшмуродов ҳамда тиббий профилактика факультети талабаси Э.Бекмуродовлар бир хил натижа кўрсатиб, 1-ўринга лойиқ топилишган бўлса, 2-ўрин ҳарбий тиббиёт факультети курсанти Б.Ҳайитбоевга ва 3-ўринни Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси, ёш ва умидли спортчи И.Тойиров эгаллаб, катта акаларидан қолишмаслигини исботлаб қўйди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда спорт ҳамда жисмоний тарбияга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли келажак авлодимиз ҳар томонлама бақувват, маънан ва жисмонан етук бўлиб камол топмоқда. Зеро, юртимизнинг соғлом ва баркамол фарзандлари азми шижоат, куч-қудрат ва салоҳият бобида буюк аждодларининг давомчиларидир.

Б.Жўраев, Қ.НИЗОМОВ
К. Ўлмасов олган суратлар



ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН АСОСЧИСИ

Хотира ва қадрлаш куни... Инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан барҳаётдир. Хотира – кечаги ўтмишни, аждодлар ўгитини, миллий меросимизни англайтиб турувчи муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовни хотирлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ислон Абдуғаниевич Каримов – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти – ўзбек халқининг буюк, бетакрор арбоби, етакчиси ва раҳнамоси. Ўзбек халқини мустақилликка етаклаган, мустақил Ўзбекистон давлатига асос солган ва келгуси ривожланиш йўлини аниқ белгилаб берган инсон. У ўзбек халқининг дунё майдонидида ўзини кўрсатиб, ўзини-ўзи англаш, миллий гуруҳ ва ифтихор туйғуларини миллатимизга қайтара олган, халқимизни – халқ, миллатимизни – миллат, давлатимизни – давлат деб тан олинишида ўзининг жонини ҳам аямаган инсон сифатида тарихимизда ўчмас из қолдириб кетди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини хотирлаш мақсадида Тошкент Тиббиёт академиясининг Ижтимоий фанлар кафедрасида 11 май куни “Ислон Каримов – озод ва обод Ватан асосчиси” мавзусида конференция ўтказилди. Конференцияда даволаш факультетининг 201-202 гуруҳлари, ОМХ факультети, тиббий-педагогика ва тиббий-профилактика факультетларининг 201 гуруҳлари талабалари иштирок этдилар.

Конференцияни Ижтимоий фанлар кафедраси доценти Ф. Атамуратова бошлаб берди. У Ўзбекистоннинг Биринчи

Президенти Ислон Каримовнинг ҳозирги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётимизга қўшган ҳиссаси ва ўрни бекиёслигини, буни ҳар биримиз ёдда тутишимиз кераклиги ҳақида гапирди.

Конференцияни талабалар ўзларининг чиқишлари билан давом эттирдилар.

Талабалар конференцияда саволлар бериб ва ўзларининг фикрларини билдириб фаол қатнашдилар. Ўзбекистон тарихида Биринчи Президентимизнинг ўрни бекиёс ва талабаларнинг чиқишлари, фикрларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, ёшлар Ислон Каримовни ҳар доим калбларидида абадул абад сақлашади, унга муносиб фарзанд бўлишга ва давлатнинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилишади.

Конференция якунида Ижтимоий фанлар кафедраси мудирини С.Д. Норқулов барча конференция қатнашчиларини сертификатлар билан тақдирлаб, ўқиш ва ҳаётларида муваффақиятлар тилади.



ФАХРИЙЛАРИМИЗ ДОИМО ЭЪЗОДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридида кўзда тутилган асосий мақсад: уруш фахрийлари, иштирокчилари ва урушда қурбон бўлганларнинг оилаларидан тушаётган қўллаб-қўлловчи муносабатларни, халқимизнинг жамоат ташкилотларининг билдираётган хоҳиш-иродасини инобатга олиб, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашган ҳалок бўлганларнинг, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган Ўзбекистоннинг барча ўғлонлари хотирасини абадийлаштириш муҳимлигини назарда тутган ҳолда, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишиларнинг ҳурматини жойига қўйишдан иборат бўлди.

Халқимизнинг минг йиллик орзу-умидлари, ғурури ва ор-номусини ўзида мужассам этган ушбу фармон мана 18 йилдирки амалда ўз ижросини ва исботини топиб келаётгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Хотира шундай руҳий-маънавий қудратки, у инсоннинг инсонлигини англашувчи, уни ўтмиш ва истикбол билан боғлаб турувчи буюк қадрият, илоҳий қудратдир. Хотирлаш — халқ манфаати учун курашган, эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлган кишиларни эслашдир. У оламдан ўтган аждодларни эслашгина эмас, асрлар мобайнида Ватан учун курашда ҳалок бўлганлар хотирасини ҳурматлаш ҳамдир.

Халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат барча байрамларимиз сингари Хотира ва қадрлаш куни мисолида ҳам ёрқин намоён бўлади.

Шунинг учун Хотира ва қадрлаш куни тадбирлари ёшлар тарбиясида ўрни ва роли бекиёским, унинг замирида:

– ёшлар аждодларимиз тарихи, матонати, босиб ўтган мардондор йўллари, қаҳрамонликлари ҳақида билишлари, шу азиз диёр улардан бизга мерос эканлиги, ворис сифатида уларнинг савобли ишларини давом эттириш, жамиятнинг ривожланишида юксак масъулият ёшларнинг зиммасида эканлигини чуқур англаш;
– эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг ақин ўтмишдаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш;

– тарихий воқеалардан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш;

– ёшларга фашизм ва неофашизм ғояларининг умумбашарий қадриятлар, миллий урф-одатлар ва анъаналар қушандаси эканлигини тушунириш ва англашти;

– униб-ўсиб келаётган ўқувчи-ёшларнинг онгу шуурида тарихий адолатга ишонч ва инсонийлик фазилатларини қарор топтириш, уларнинг маънавий оламини кенгайтириш;
– беғуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини англашти каби эзгу ғоялар ётади.

Шу боис, республикамиздаги барча таълим муассасаларида Хотира ва қадрлаш куни кенг миқёсда нишонланаётган ушбу байрам, 2017 йилнинг 6 май санасида Тошкент Тиббиёт академиясида ҳам “Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорликда тантанали равишда нишонланди.

Байрам тадбирида Тошкент Тиббиёт академияси кафедраларида фаолият юритиш

билан бир қаторда Иккинчи жаҳон урушида ва Афғонистонда хизматда бўлган ва айни пайтда ҳам ТТАда самарали фаолият юритиб келаётган профессор-ўқитувчилар, ишчи ходимлар ва клиника фахрийларини галабанинг 72 йиллиги муносабати билан тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Шубҳасиз, хотирани асраш, хотирани эҳтиёт қилиш – бу бизнинг ўзимиз ва авлодлар олдидаги ахлоқий бурчимиздир. Хотира – бизнинг бойлигимиздир.

Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги кунимизни қадрлашга ўргатади. Хотира бу – тарихдир. У кечаги ўтмишни, аждодлар ўгитини, миллий меросимизни англашти турувчи муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Шу боис, инсон ўз хотира бойлиқларини қадрлайди.

Бугунги тинч, дорилмомон кунлар замирида қаршимизда турган шу нуроний сиймоларнинг меҳнати самараси ётганлигини ҳис қилганимизда, кўз олдингизда тарихнинг олис ўтмиш қаъридан урушнинг дахшатини беихтиёр эсга оласиз... Бундан 72 йил муқаддам юрт тинчлиги йўлида жон олиб жон берган, умрини шу элнинг келажаги учун гаровга қўйган, ор-номуси ва миллати учун кўксини қалқон қилган бу ўғлонларни Ватан абадул абад унутмайди.

Т. БОБОМУРАТОВ,

ТТА маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор

Р.ПОЛВОНОВ,

ТТА маънавият ва маърифат бўлими услубчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелидаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридида олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар этиб: ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш; педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш ва бошқа вазифалар белгиланган.

Жорий йилнинг 3-12 апрелида Тошкент Тиббиёт академияси ректори Л.Н.Тўйчиев раҳбарлигида бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар: тиббий профилактика факультети декани М.У.Кульманова, МИТЛ профессор-ўқитувчилар: тиббий профилактика факультети декани М.У.Кульманова, МИТЛ раҳбари Б.У. Ирисулов, умумий ва радиацион гигиена кафедраси мудирини Ф.И. Саломова, коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси мудирини Г.Т. Искандарова, болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудирини Н.Ж.Эрматов, доцентлар Х.А.Саъдуллаева, Г.Ф.Шерқўзиёва, Б.Б.Раҳимов

ва Л.Н.Хегайлар Корея университетига ташриф буюришди. Корея миллий тадқиқот фонди бошқаруви остида Тошкент Тиббиёт академияси билан Корея университети ўртасида 2016-2020 йилларга мўлжалланган меморандум имзоланди.

Мазкур “Экология ва инсон саломатлиги” лойиҳаси доирасида имзоланган меморандум шартларига кўра экологик ва атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш бўйича олий малакали мутахассисларни тайёрлаш

талабалари учун семинар ташкил қилинди ва унда коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси мудирини Г.Т. Искандарова (“Main aspects of educational process”), умумий ва радиацион гигиена кафедраси мудирини Ф.И. Саломова - (“Ensuring of radiation safety”) ҳамда болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси ассистентини Б.Б.Раҳимовлар (“Environmental changes of the Aral sea and the Aral sea area”) маъруза қилишди. Корея университети профилактик тиббиёт факультети

нинг саноат корхоналаридан чиқаётган зарарли омиллари билан ифлосланиши, бунинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тажриба билан танишиш мақсадида Korea Occupational Safety & Health Agency (KOSHA) ва Occupational Safety and Health Research Institute (OSHR)га ташриф буюрилди. Нефтни қайта ишлашга мўлжалланган “SK Energy” комплексига ташриф Кореяда атроф ва ишчи муҳитни, шунингдек ишчилар саломатлигини муҳофаза қилишда катта ютуқларга эришилганини кўрсатди.

Шу ўринда дунёда пайдо бўладиган касалликларнинг - 24%, юз берадиган ўлимларнинг эса -23% атроф муҳитдаги олди олиниши мумкин бўлган омилларнинг зарарли таъсири сабаб бўлаётганини, ушбу ноҳус ташқи муҳит омилларини аниқлаш ва уларнинг инсон организмга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган профилактик ва соғломлаштирувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш турли мутахассислар ҳамкорлигида врач экологлар бошчилигида амалга оширилишини қайд этиш керак.

Ҳозирги кунда Тошкент Тиббиёт академиясида Корея университети билан ҳамкорликда “Оқружающая среда и экология человека (Ташқи муҳит ва инсон саломатлиги, Environmental and human health)” магистратура йўналиши очилиши бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бакалавриатура битирувчиларини экология ва атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш ҳамда инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширадиган мутахассисларни тайёрловчи “Оқружающая среда и экология человека (Ташқи муҳит ва инсон саломатлиги, Environmental and human health)” магистратура йўналишида таълим олишга таклиф этамиз.

Ш.БОЙМУРАДОВ,
Тошкент Тиббиёт академияси илмий ишлар бўйича проректор, профессор
Ф.САЛОМОВА,
Умумий ва радиацион гигиена кафедраси мудирини

ЭКОЛОГИЯ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ



ҳамда инсон организмга таъсир этувчи атроф-муҳит омилларини ўрганиш, уларнинг зарарли таъсирини камайтириш ва касалликлар профилактикаси йўналишларидаги илмий ишлар (PhD дастури бўйича ўқитиш) атроф-муҳит гигиенаси кафедраси ҳамда гигиеник йўналишдаги кафедралик профессор-ўқитувчиларимиз билан ҳамкорликда олиб борилиши режалаштирилган. Жумладан, ташриф давомида ўқув жараёнини интеграция қилиш бўйича ўқув режа ва фан дастури лойиҳалари кўриб чиқилди. Шунингдек ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш учун фойдаланиладиган хорижий адабиётлар танланди.

Корея университети профилактик тиббиёт факультети

тети профессор-ўқитувчилари Choi Jae Wook, Kim Kyung Hee, Lee Hye Min, Ms. Lim Hee Jinларнинг “Introduction of KU”, “National Health insurance System of Korea”, “Кореяда саноат хавфсизлиги атроф-муҳит саломатлигини ривожлантириш жараёни” ва бошқа мавзулардаги маърузалари университет ўқув жараёни билан яқиндан танишишга ёрдам берди. Шунингдек профессор-ўқитувчиларимиз билан ҳамкорликда олиб борилиши режалаштирилган. Жумладан, ташриф давомида ўқув жараёнини интеграция қилиш бўйича ўқув режа ва фан дастури лойиҳалари кўриб чиқилди. Шунингдек ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш учун фойдаланиладиган хорижий адабиётлар танланди.

Корея университети профилактик тиббиёт факультети

